*Сабоқ*

# ҚИЙШИҚ АРАВА ЙЎЛ БУЗАР

Сариосиё туманидаги Г. Хидиров номидаги ширкат хўжалигининг қўйчивони А.Қорабоевнинг суяги яйловда қотган. Эсини танибдики, сурув ортидан юради. Чорванинг “тилини” ҳар қандай мутахассисдан яхшироқ билади десак, муболаға бўлмайди. Ҳаётий тажрибаси катта. У 2000 йилнинг январь ойи биринчи кунидан бошлаб Г.Хидиров номидаги ширкат хўжалиги билан “Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва хизмат кўрсатиш учун оила пудрати тўғриси”да ўзаро шартнома тузди. Шартномага кўра, 2000 йилнинг баҳорида отардаги совлиқлардан 223 бош қўзи олиб, белгиланган режани юз фоизга бажарди. Қўзилатиш мавсумини ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 91,5 бошдан тўл олиш — хўжаликда юқори кўрсаткич саналади. Режадан ортиқча олинган 8 бош қўзи учун унга натура сифатида ҳақ ҳам тўланиши лозим эди.

2000 йил 30 май ва 4 июн кунларида хўжаликнинг тегишли мутахассислари қўтон бошига келишиб, қурғоқчилик туфайли яйловларда ўт-ўланинг эрта қовжираб қолаётганлиги туфайли А.Қорабоев отаридаги 71 бош қўйларни иш ҳақига, 50 бошини эса ферма ҳисобига чиқим қилиш тўғрисида далолатнома тузиб, қўйчивонга тақдим этишади. Мазкур ҳужжатга асосан сурувдаги 121 бош қўйлар чиқим қилинди. Ҳаммаси рисоладек тўғри эди. Отардаги қўйлар ширкат хўжалиги ташаббуси билан чиқим қилинмоқда. Бундан ҳар икки томон ҳам манфаатдор. Агар хўжалик бир қисм қўйлар билан иш ҳақи қарздорлигидан қутулса, қўйчивон ўз отаридаги келажакда насл бермайдиган қўйлардан қутулади. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, ортиқча меҳнат сарфланмайди, сурув нимжон, касалманд қўйдан тозаланади. Шу ерда бир лекини бор-да...

Элимизда лафзида турмайдиган айрим кишилар ҳақида гап кетганда, қўл силтаб, «айтади ҳам, қайтади ҳам», дея баҳо берилади. 2000 йил август ойининг жазирама кунлари А.Қорабоев кезиб юрган яйлов осмонида тўсатдан бир парча қора булут пайдо бўлди. Об-ҳавони кузатувчи донишмандлар тиниқ осмоннинг бир четида пайдо бўлган ана шу қора булутни кўриб қолсалар дарров: “У, шу бир парча булут бир балони бошлаб келади-я. Ана кўрасиз, ё жала, ё қаттиқ ёмғир ёғади”, дея хавотирга тушишади. Яйлов соҳибимизнинг ўтови қора булут осмондан сел бўлиб қўйилмади, лекин ундан баттароқ талофат олиб келди. Кутилмаганда, ширкат хўжалиги бошқаруви раҳбари А.Тошев тузган комиссия отардаги қўйларни санашга киришиб кетди. Саноқдан сўнг юқорида таъкидланган 121 бош қўй камомад сифатида расмий ҳужжат қилинди. Аслида эса, хўжалик ташаббуси билан чиқим қилинган ва иш ҳақига ажратилган 71 бош, фермага чиқим қилинган 50 бош қўй чўпонга “камомад” сифатида “илиб” қўйилди. Шунга кўра, ширкат хўжалиги бошқарув раиси А.Тошев 2000 йил 25 август куни 9/1-сонли қарорига асосан орадан бир ой ўтгач, А.Қорабоев отаридаги қўйлар хўжалик ихтиёрига қайтариб олинди. Қонунларга зид равишда амалга оширилган бу “тадбир” оилавий пудрат асосида ишлаётган А.Қорабоев устига бир челак муздек сув қуйилгандек бўлди.

Ширкат хўжалиги бошқарув раиси бу билан амалдаги қонунларга зид равишда қарор қабул қилинганини ўйлаб ҳам ўтирмади. Оқибатда отардаги молидан, умр бўйи ортирган касбидан, кимсасиз, ҳамиша сукунат босиб ётгувчи яйловидан айрилган, Самарқандни бир кўрмоқ орзуси билан яшаб, аммо кўз олдидаги сурувидан нарига ўтолмаган, қўлидаги заранг таёғи билан бирон-бир оромгоҳни кўрмаган оддий меҳнаткаш қўйчивоннинг ҳолатини энди кўз олдингизга бир келтиринг?! У киндик қони тўкилган яйловга, чексиз қирадирлар, қўйларнинг маъраши-ю, ўтови ёнидаги қора ўчоққа кўниккан. Йиқилган курашга тўймайди, дейишади. А.Қорабоев бир муддат ўзини йўқотиб қўйди. Йўқ, оқу-қорани биладиган инсонлар бор экан бу дунёда. Уларнинг маслаҳати билан ўз ҳуқуқини тиклаш учун мутасадди маҳкамаларга шикоят ёзди. Кўп марта мурожаат қилди. Орадан кўз очиб юмгунча 14 ой ўтиб ҳам кетди...

Ниҳоят ишлар бироз силжигандай бўлди. Сариосиё туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари А.Абдураҳмонов томонидан қаҳрамонимизнинг аризаси юзасидан текшириш ўтказилди. Текширув натижалари асосида тузилган расмий ҳужжатда шундай сатрлар бор: “2000 йил об-ҳавонинг ноқулай келиши оқибатида қўйларни май ойининг охирида яйловга ҳайдаб кетиш вақтида қари қўйлар касалланиб қолганлиги учун ва қўйларни ноўрин нес-нобуд бўлишининг олдини олиш мақсадида 2000 йил 30 май, 4 июнь кунидаги мутахассисларнинг далолатномасига кўра 121 бош қўйлар кейинчалик фойда бермаслиги сабабли шундан 71 бош қўйлар иш ҳақига, 50 бош қўйлар эса далолатномага асосан ҳужжатлар асосида чиқим қилинганлиги, хўжаликнинг бошқарув раиси А.Тошев, пудрат бошлиғи А.Қорабоевни огоҳлантирмасдан, хўжалик бошқарувининг қарорини чиқармасдан 2000 йил 9 октябр куни сурувни тортиб олиб қўйиб, 2000 йил 10 октябр куни қўйларни хўжалик ихтиёрига олиш ҳақида қарор чиқарилганлиги ва шу куни чиқим қилинган 121 бош қўйнинг қонуний ҳужжатларини бош ҳисобчи томонидан ҳисоботлар тикилган йиғма жилдлардан чиқариб, пудрат бошлиғи А.Қорабоевнинг қўлига бу ҳужжатлар, ноқонуний деб қайтарилганлиги тўғрисида 2001 йил 14 февраль куни 51-сонли маълумотнома тузиб туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғига тақдим қилган”.

Лекин ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Тошев, бош ҳисобчи А.Неъматов оилавий пудратчи қўйчивон А.Қорабоевга «Биз бу ҳужжатларни тан олмаймиз. Қаерга борсанг, боравер. Тўрт тарафинг қибла», — деб жавоб беради.

Хуллас, оддий бир яйлов соҳибининг оворагарчилиги, ўз ҳуқуқининг ноқонуний паймол этилганлигини тиклаш учун кураш яна давом этади. Охири, бу ишга вилоят адлия бошқармаси ходимлари аралашади.

— Ўтказилган текширувда, — дейди вилоят адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи Фахриддин Қўлдошев, — пудратчи билан ширкат хўжалиги орасида тузилган шартнома ўз кучида бўлгани аниқланди. Шунга кўра, кучда бўлган шартнома шартларига биноан хўжалик пудратчидан қўйларни олиб қўйишга ҳақи йўқ эди. Чиқим қилинган 121 бош қўй ширкат хўжалиги ташаббуси билан расман ҳужжатлаштирилиб, сўнг ноқонуний равишда тан олинмаган. Шу сабабли ўзаро тузилган шартнома 14 ой мобайнида бошқарув раиси А.Тошевнинг айби билан асосиз равишда қонуний кучда бўлган шартнома шартлари талаблари бажарилиши таъминланмаган. Шартномага кўра, пудратчининг бир йиллик иш ҳақи 222.136 сўм қилиб белгиланган. Лекин пудратчи А.Қорабоев ҳамда унинг аъзоларига 2000 йил сентябрь ойи учун 16 324, 1 октябрдан 10 октябрга қадар 5216 сўм, жами 21.540 сўм иш ҳақи ширкат хўжалиги томонидан ўз вақтида тўланмасдан шартнома талаблари бажарилмаган. Бундан ташқари, режадан ортиқча топширилган 8 бош қўзи учун ҳам 20 фоизлик натура ҳақи берилмаган. 2000 йил 10 октябрь кунидаги ширкат хўжалиги бошқарувининг пудратчи отаридаги қўйларни хўжалик ихтиёрига қайтариб олиш тўғрисидаги қарори амалдаги қонунларга зид равишда қабул қилинганлиги сабабли бекор қилинди.

Хуллас, адлия бошқармаси ўтказган текширувидан сўнг Г.Хидиров номидаги ширкат бошқарув хўжалиги раиси А.Тошевнинг айби билан 14 ой бекор юрганлиги учун пудратчи А.Қорабоев ва унинг аъзолари фойдасига жами 413 минг 540 сўмлик иш ҳақи, бош ҳисобчи А.Неъматов ҳамда раис А.Тошевларнинг қонуний ҳужжатларни «бўлмайди»га ўтказишиб чўпонга маънавий зарар келтирганликлари учун ҳар бири 100 минг сўмдан жами 200 минг сўм пудратчига фойдасига ундириб берилди.

Бир қарашда, ҳақиқат қарор топгандек туюлади. Аммо чорва туёғини кўпайтирай, яйловлар қўйқўзига тўлсин, деб белгиланган режани уддалаб юрган оддий, камтарин бир қўйчивоннинг ширкат хўжалиги бошқарувидаги амалдорлар томонидан сарсон қилинганлигини кўриб, ҳар кимнинг ҳам дили ранжийди. Айрим амалдорлар амални қийшиқ арава; деб ўйлашади. Бундай қийшиқ арава эса тўғри йўлни ҳамиша бузиб келган. Бу — бор ҳақиқатдир...

**Собир ЁДИКОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**



*Уйғониш палласи*

*Қинғирлик қийиғи*

## ИШ ҲАҚЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Ромитан туманидаги мавжуд 124 та корхона ва ташкилот ишчи-хизматчиларига 2001 йил давомида 1 миллиард 624 миллион 917 минг сўм иш ҳақи ҳисобланган. Туман статистика ва ҳисоблаш маркази маълумотларига кўра мазкур миқдордаги иш ҳақи ишчи ва хизматчиларга тўлиқ тарқатилган, қарз қолдирилмаган. Аслидачи?

Туман прокуратурасига “Ахмед Миршод” фермер хўжалигидан Ойиша Салимова, Ғайрат Қурбонова, “Нурафшон” жамоа хўжалиги аъзоси Мақсуда Ҳамроева, “Ўзбекистон” жамоа хўжалиги ишчиси Фаррух Абдуллаев ва бошқалар томонидан иш ҳақини ўз вақтида ололмаганлари хусусида ариза ва шикоятлар тушди.

Прокурор ёрдамчисининг таъкидлашича, прокуратура ходимларини Вазирлар Маҳкамасининг “Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра корхона, ташкилот ва муассасаларда текширишлар ўтказишди. Маълум бўлишича, тумандаги 9-кўчма механизациялашган жамланма маъмурияти ишчи-хизматчиларга 3 миллион 656 минг сўм миқдорида иш ҳақи бермаган. Бироқ корхона томонидан туман статистика ва ҳисоблаш марказига қарз йўқ, деб нотўғри маълумот берилган. Шунингдек, “Челонгу” техника маркази ишчи-хизматчиларидан 821 минг сўм, 191-кўчма механизациялашган жамланма 2 миллион 754 сўм, “Ирқурилиш” кўчма механизациялашган колоннаси 1 миллион 176 минг сўм, машина трактор саройи давлат акциядорлик жамиятининг 3 миллион 850 минг сўм қ арзи бор эканлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан корхона ва ташкилотларнинг мутасадди раҳбарларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 215-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, туман ҳокимига тақдимнома киритилди. Ишчи-хизматчиларга тегишли ташкилот, корхона ва хўжаликлардан жами 306 минг 439 сўм иш ҳақи ундириб берилди. Туман статистика ва ҳисоблаш марказига берилган нотўғри маълумотлар эса тўғриланди.

**Бухоро вилояти,**
**“Туркистон-пресс”**

*Таажжуб!*

# ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН ҲАМЁНИДАН АЙРИЛАР

“Қувадон маҳсулотлари” ҳиссадорлик жамияти 12998.442 сўм асосий қарзни ундириш даъвоси билан Фарғона шаҳридаги “Шароб-савдо” шўъба корхонасини вилоят хўжалик судига берди.

— Ҳақиқатдан ҳам, Фарғона шаҳар “Шароб-Савдо” шўъба корхонаси, — дейди суд мажлисида даъвогар вакили А.Саидолимов, — 2000 йил 9 феврал куни Фарғона вилоят “Дон маҳсулотлари” ҳиссадорлик уюшмаси томонидан берилган буйруққа асосан 2000 йил 16 февралдаги шартномага кўра 100 тонна гуруч маҳсулотларини қабул қилади. “Шароб-савдо” шўъба корхонаси олинган маҳсулотнинг 15 фоиз пулини олдиндан, 85 фоизини эса 90 кун ичида тўлаш мажбуриятини бўйнига олади. Бироқ шўба корхонаси ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажармайди.

Суд мажлисида Фарғона шаҳар “Шароб-савдо” шўъба корхонаси раҳбари Р.Адҳамов даъвогар ҳақ эканлигини тан олди.

— “Қувадон маҳсулотлари” ҳиссадорлик жамиятига шартнома шартидан келиб чиққан ҳолда, — дейди у, — 2000 йилнинг 27 ноябридан бошлаб қарзларни имкон даражасида уза бошладик. Ҳозиргача 10589000 сўм маблағни даъвогарнинг ҳисоб рақамига ўтказдик. Асосий қарз 12998442 сўмни узиш ҳаракатидамиз.

Жавобгар — “Шароб-савдо” шўъба корхонаси 2000 йил 16 февралида даъвогар — «Қувадон маҳсулотлари” ҳиссадорлик жамиятидан олган 100 тонна гуручни корхона, ташкилот ҳамда хусусий тадбиркорлар билан шартнома тузади. Р.Адҳамов олинган маҳсулотлар учун аввалдан 100 фоиз ёки 15 фоиз тўловларни амалга оширишни талаб қилмайди. У ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, счёт-фактура орқали ҳар бир килограмм гуручга 227 сўмдан нарх белгилайди ва тарқатиб юборади. Натижада тарқатиб юборилган маҳсулот учун “Шароб-савдо” шўъба корхонасининг ҳисоб рақамига фақатгина 2780000 сўм маблағ келиб тушган, холос. Қолган 19920400 сўм пул бир неча ойлардан бери ундирилмаган. Бу борада ҳеч қандай хатти-ҳаракатлар олиб борилмаган.

— “Шароб-савдо” шўъба корхонасининг раҳбари — дейди вилоят хўжалик судининг раиси Бахтиёр ака Маҳаматов. — Корхона ва ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг тегишли бандларида кўрсатилган қоидаларни қўпол равишда бузган.

У ўз хизмат вазифаси юзасидан бажарилиши шарт бўлган ишларни қасддан бажармаган. Бу билан корхона раҳбари “Шароб-савдо” шўъба корхонасига кўп миқдорда моддий зарар етказади. 2001 йил апрель ойи ҳолатигача узоқ вақт кўп миқдордаги дебиторлик қарзларини узиш чораларини кўрмади.

Суд жавобгар — “Шароб-савдо” шўъба корхонаси раҳбари Р.Арҳамовга нисбатан Жиноят Кодексининг 208-моддаси билан жиноий иш қўзғатишга ажрим чиқарди.

“Қўқондон маҳсулотлари” ҳиссадорлик жамияти “Шароб-савдо” шўъба корхонасини яна вилоят хўжалик судига етаклади.

Даъвогар — “Қўқондонмаҳсулотлари” ҳиссадорлик жамияти судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар — “Шароб-савдо” шўъба корхонаси ҳисобидан 10.000.000 сўм асосий қарз, 3320000 жарима — жами 13320000 сўмни ундириб беришни сўрайди.

— Томонлар ўртасида 2000 йил 18 декабрда шартнома имзоланган, — дейди даъвогар вакили У.Алиев, — шартномага асосан жавобгар 2000 йил 21 декабрдаги ҳисоб-варақ фактура билан умумий миқдори 10.000.000 сўмлик курка гўштини олади. Жавобгар курка гўштини 3 ой муддат ичида сотиб пулини қайтариши керак эди. Лекин бу шарт қўпол равишда бузилади. Ҳозирги кунгача бу борадаги ҳисоб-китоб ишлари ўз вақтида тўлиқ бажарилмайди.

“Қўқондонмаҳсулотлари” ҳиссадорлик жамияти тўлов муддатини кечиктириб юборгани учун жавобгар — “Шароб-савдо” шўъба корхонаси ҳисобидан 3320000 сўм жаримани ундиришни сўрайди.

Суд мажлисида жавобгар корхонанинг раҳбари ва бош ҳисобчиси В.Тен даъвони қисман тан олади.

— Ҳақиқатан ҳам, олинган курка гўшти учун ҳисоб-китоб ишлари ўз вақтида олиб борилмаган, — деди у, — чунки бизнинг ҳисоб рақамимизда етарли миқдорда пул бўлмай қолди. Кечикиб бўлса-да, даъвогар билан ҳисоб-китоб қилинди. Ўртадаги асосий қарз Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси қўйган инкассага асосан ўтказиб берилди.

— Суд мажлисида томонларнинг фикр-мулоҳазалари атрофлича ўрганилди, — дейди вилоят хўжалик судининг судьяси Раҳматилла Бозоров, — 10.000.000 сўмлик асосий қарз кечиктириб бўлса-да, жавобгар томонидан тўлангани инобатга олинди. Бироқ томонлар ўртасида имзоланган шартнома шартларига асосланиб, жавобгар — “Шароб-савдо” шўъба корхонаси “Қўқондонмаҳсулотлари” ҳиссадорлик жамияти фойдасига 33.20000 сўм жаримани тўлайдиган бўлди. Бундан ташқари, жавобгардан Давлат божи ва бошқа харажатлар ҳам ундирилади.

“Шароб-савдо” шўъба корхонаси вилоят “Асакабанк” бўлимининг даъвосини ҳам қаноатлантиришга мажбур бўлди. Гап шундаки, даъвогар — вилоят “Асакабанк” бўлими билан жавобгар — «Шароб-савдо» шўъба корхонаси ўртасида 2001 йил 31 мартда шартнома тузилади. Жавобгарга 2001 йилнинг 2 августгача қайтариш ҳамда йиллик 24 фоиз банк фоизини тўлаш шарти билан 220.000000 сўм кредит берилган. Кредитни қайтариш мажбуриятини 2001 йил 19 март кунги кафолат шартномаси асосида қўшимча жавобгар — “Ўзмевауузумсаноат холдинг” компанияси ўз зиммасига олади. Жавобгарлар — «Шароб-савдо» шўъба корхонаси ва “Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг” компаниясининг илтимосларига кўра, кредит шартномаси 2001 йилнинг 1 октябрга қадар, кредит қарзи ва фоизларини тўлаш муддати эса 2002 йилнинг 31 мартга қадар узайтирилади. Бу ҳақда тарафлар ўртасида қўшимча шартнома тузилган. Лекин жавобгар — “Фарғона шароб-савдо” шўъба корхонаси ва “Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг” компанияси ўз зиммаларига олган мажбуриятларини етарли даражада бажармайди. Натижада жавобгарнинг молиявий аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб боради. Жавобгарлар умуман тўлов қобилиятига эга эмас. Шу боис даъвогар — вилоят “Асакабанк” бўлими барча ҳужжатларни хўжалик судига тақдим этди.

— Суд тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасининг талаблари асосида, — дейди вилоят хўжалик судининг судьяси Н.Узоқов, — 2001 йил 31 мартдаги кредит шартномасини, 2001 йилнинг 1 август ва 2 октябрдаги мазкур кредит шартномаси қўшимчаларни олдиндан бекор қилди. Қўшимча жавобгар — “Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг” компаниясидан 247.177.299 сўм маблағни даъвогарга ундиришни лозим топди. Шунингдек, жавобгарлар 2.474.273 сўм Давлат божини тўлашга ҳам мажбурдирлар.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Оилада биронта ноқобил фарзанд тарбияланса, унинг таъсири бошқа фарзандларга ҳам ўтади. Фарғона шаҳридаги “Шароб-савдо” шўъба корхонасидаги ҳисоб-китобсиз ишлар беихтиёр “Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг” компаниясини ҳам хижолатга қўйди. Шу боис нуфузли идора иккинчи бир идора олдида қарз тўлашга мажбур бўлди. Бу масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи жиҳати эса “Шароб-савдо” шўъба корхонасидаги бир-биридан чигал масалалар афтидан жиноят ишлари бўйича вилоят судида ечимини топадиганга ўхшайди. Биз нима ҳам дердик. Бу ҳақда ўйлаганда, ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилади, деган нақл бежиз айтилмаганига амин бўласан, киши.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

*Таҳрирсиз мактуб*

# ФОЙДАНИНГ “ЧЎҒИ” ҚАЁҚҚА КЕТДИ?

Бултур Денов шаҳрининг марказида жойлашган “Бободеҳқон” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 2056 дона қимматли қоғозларини иккиламчи бозордан сотиб олдим. Бу бозор қарийб 3 гектар майдонни эгаллаган. Унда йил ўн икки ой савдо-сотиқ тўхтамайди.

Икки минг донадан зиёд акцияни сотиб олган бўлса, ҳиссадор ҳар йили фалон сўм фойда кўраркан-да, деб ўйлаб турган бўлсангиз керак. Гапнинг индаллосига кўчсак, шунча акцияни дастлабки баҳосидан қиммат нархда сотиб олаётганимда ўзим ҳам шундай хаёлга борганман. Аммо...

Овозаси етти иқлимга кетган бозор 2001 йилни 3,5 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Ҳиссадорлар йиғилишида бу маблағнинг 60 фоизи, яъни 2 миллион 90 минг сўмини дивидент сифатида 7878 акцияга тарқатиладиган бўлди. Шу ҳисобда ҳар бир акцияга 265 сўмдан тўғри келди. Қўлимда турган 2,4 миллион сўмлик 2059 та акцияга эса борйўғи 545 минг сўм тегди. Шу ўринда 2,4 миллион сўмлик акция йил давомида 591 минг сўмга инфляцияга учрагани ҳисобга олинса, менга тегадиган дивиденд ана шу инфляция миқдорини ҳам қопламаслиги ўз-ўзидан маълум. Нима, “Бободеҳқон” бозоридан барака шу даражада қочганмикан? Бунга асло ишониш қийин. Бозорнинг йил якунидаги соф даромади 3,5 миллион сўмни ташкил қилганини бир четтага сурсак-да, ҳиссадорнинг акциясига теккан сўм миқдорини бир четтага сурсак, орадан бизга қоронғу бир масаланинг учини топгандек бўламиз. Бунисини алоҳида хомчўт қилмасак, тушуниб олиш бироз қийин.

“Бободеҳқон” бозори 2,96 гектар майдонни эгаллаб турган бўлишига қарамай, ҳозирда унинг борйўғи 1,1 гектаридан фойдаланилмоқда. 1,86 гектар майдонни асосан хусусий дўкон, ошхона, чойхона, мантихона, қассобхона, дорихона каби савдо шаҳобчалари ўз тасарруфига олган. Уларда ҳам қишин-ёзин савдо-сотиқ узилмайди. Белгилаб қўйилган тартибга мувофиқ бундай савдо шахобчалари ҳар бир квадрат метр жой учун “Бободеҳқон” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ҳар ойда 250 сўмдан, бир йилда эса 55,8 миллион сўм пул тўлаши керак. Афсуски, юқорида қайд қилинган тушумни ҳеч қаердан топишнинг иложи топилмади.

“Бободеҳқон” ҳиссадорлик жамияти пуллик хизматдан ҳам катта даромад кўриши режалаштирилган ва шундай имкониятлар ҳам йўқ эмас. Фақатгина ҳўл мевалар растасида бир кечаси 400 яшик маҳсулот эртаси кун сотиш учун қолдирилгани кузатилган. Табиийки, ҳеч ким тонг отгунча яшикларни текинга қўриқлаб чиқмайди. Бу яшикларни қўриқлаш ва асрашдан “Бободеҳқон” ҳиссадорлик жамияти ҳар куни 12 минг, йил давомида 4,3 миллион сўм даромад кўриши керак. Бошқа бир растада эса мониторинг чоғи 250 қоп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кечаси қолдирилган. Бу хизмат ҳам бир йилда ўрта ҳисобда “Бободеҳқон”га 3,6 миллион сўм даромад келтириши аниқ. Гуруч растасида эса 1430 қоп гуруч қолдириб кетилган.

Энди буларга йил бўйи писта, бодом, ёнғоқ растасидаги савдоларни ҳам келтирсак, бундан кўрилажак фойда унча-бунча кишининг ақлини шошириб қўяди. Мониторинг ўтказилган куни сотувчилар 25 метр жойда қуруқ меваларни сотаётгани маълум бўлди. Ҳар метр жой учун 1000 сўм патта пули ундирилиши керак. Аммо ўша куни ҳар метр жой учун 200 сўм ундирилган, холос. Шу ҳисобда “Бободеҳқон” бу ерда ҳам бир йилда ўрта ҳисобда 7,3 миллион сўмлик зарар кўрган.

Денов бозорига бир марта оралаган киши бошқа вилоятдан келган тадбиркорлар олиб келган маҳсулотларни машинадан туширмасдан кун бўйи савдо қилишаётганига шоҳид бўлади. Бир юк машинасидан бир кунда уч минг сўм патта пули олиш белгиланган. Ўрта ҳисобда ҳар куни бозор ҳудудига ўнта юк машинаси кирганда ҳам, “Бободеҳқон” хазинаси бир йилда 10 миллион сўмдан зиёд даромад кўрган бўларди. Аммо баъзи кунлари бунақа усулда савдо қилаётган машиналарнинг сони янада кўпайиб кетар экан. Буларнинг ҳар бири “Бободеҳқон”га патта пули тўлайди. Чунки бозорнинг шунақа паттачилари борки, ҳақини ундирмасдан сотувчидан бир қадам ҳам нарига жилмайди.

Ҳисобот берилган вақтда “Бободеҳқон” ҳудудида 1026 та савдо жойи борлиги кўрсатилса-да, ҳақиқатда эса уларнинг сони 1426 тани ташкил қилади. Бундан ташқари, пештахталарда жой йўқлигидан ҳар куни мингдан кўпроқ бозорчилар ҳисобдан ташқари жойларда ёки йўлакларда савдо қилади. Улардан ҳам ҳар куни тартибга мувофиқ 200 сўмдан патта пулини қуртдай санаб олишади. Буни ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бир кунда 200.000 сўм, бир йилда эса ўрта ҳисобда 73.000000 сўм хазинага нақд тушган бўлар эди.

“Бободеҳқон” тасарруфидаги 31 та савдо ўрнини эгаллаган ҳашаматли гўшт павильони бор. Савдога қўйилган ҳар кило мол гўшти учун 35 сўм, қўй гўшти учун 40 сўм патта пули ундирилади. Мабодо гўшт павилонига йўлингиз тушиб қолгудек бўлса, қассобларнинг қўли қўлига тегмай, гўшт сотаётганини кўрасиз.

Агар “Бободеҳқон” раҳбарияти низомдаги кўрсатмага амал қилган ҳолда пул тушумларидан ҳиссадорларнинг дивидентини кўпайтиришни ўйлаганларида фақатгина гўшт савдосидан 20 миллион сўм тушумни кўрсатишлари керак бўлади. Бу кўрсаткич бир кунда 1,5 тонна гўшт сотилган тақдирда қилинган тахминий ҳисоб-китоблар. Ваҳоланки, баъзи кунлари ўнта ҳўкизнинг гўшти ҳам “ғойиб” бўлиши мумкинлигини хомчўт қилмадик.

Шунча тушумлар ундирилмайди дейишга одамнинг тили ҳам айланмайди. Бунинг устига бозорда ҳар қайсиси тоғни урса талқон қиладиган 38 нафар забардаст паттачи у ёқдан бу ёққа зир югуриб юришини тасаввур қилинг. Мен бозорнинг раҳбари Зиёдулла Алимардоновга бир неча марта паттачилар сонини камайтириш таклифини киритдим. У кишидан бунга қониқарли даражада жавоб ололмадим.

Юқорида келтирилган савдо-сотиқ бўйича хомчўт қилинган тушум пуллари “Бободеҳқон” хазинасида нақд 200 миллион сўмни ташкил қилган бўларди. Ҳиссадор ҳам ўз дивидентига бемалол эгалик қиларди. Энди сиз ҳам масаланинг бир томонини сал тушуниб етган бўлсангиз керак. Бюджетга тушиши зарур бўлган бундай даромад ҳақиқий ўрнини топмагани учун ҳам халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Ислом Каримов маҳаллий бюджетдаги тақчилликни қаттиқ танқид қилган эди. Биз баён этган тушум-даромад манбаларининг тагига етиш шу соҳанинг мутахассислари учун қийин иш эмас. Яқинда Денов туман ҳиссадорларининг йиллик умумий йиғилишида ҳам ана шу масала кўтарилди. Лекин бу масалага аниқлик киритишга келганда эса туманнинг кўпчилик раҳбарлари билиб-билмаслик, кўриб-кўрмаслик қабилида иш тутишмоқда.

**Йўлдош РАҲИМОВ,**
**ҳиссадор**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Баён этилган гаплар бир томон — Денов туманига қарашли бозор ҳиссадорининг фикр-мулоҳазалари. Ҳиссадорнинг куюнчаклик билан билдирган фикр ва далилларида жон борми? Бунга иккинчи томон — «Бободеҳқон» ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари аниқлик киритади, деган умиддамиз.***

*«Анойилик»*

# ҲАММА БИЛАДИ-Ю... НАФС БОР-ДА!

Ҳар бир раҳбар ўзи етакчилик қилаётган хўжалик ёки корхонанинг молиявий аҳволи, ички ва ташқи ҳисоб-китобини мукаммал билса, контрактация шартномалари моҳиятини чуқур тушуниб иш юритса, ишчисининг бутун нонини бўлишга уринган, унинг ризқига шерик бўлмоқчи бўлган ҳар қандай ғирромликнинг йўлини бекитади. Муҳими, контрактация шартномаларини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ва батафсил тузилиши раҳбарнинг ҳар томонлама билимдонлигига боғлиқ.

2001 йил октябр ойининг бошларида Самарқанд вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” ҳиссадорлик бирлашмасининг собиқ Челак туман филиалида текширув ўтказилди. Текширув жараёнида тумандаги 12 хўжаликнинг пахта даласини дефоляция қилиш мавсумида “САР” авиокомпанияси ҳамда «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё тадқиқот» маркази ўртасидаги шартнома шартлари қўпол равишда бузилиб, ҳар гектар пахта майдонини дефоляция қилиш 10.86 АҚШ доллари қийматида белгиланган бўлса-да, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномаларда 15.4 АҚШ доллари қиймати кўрсатилган. “САР” авиокомпаниясига ҳисобига ортиқча маблағлар ўтказилиб, жуда кўп миқдордаги мулк талон-тарож қилинган. “САР” авиокомпаниясининг Самарқанд ва Бухоро бўлимлари томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда дефоляция қилинган майдон 1912 гектар экани қайд қилинган. Далолатномаларда қўшиб кўрсатилган 208 гектар пахта майдони дефоляцияси учун шартномада кўрсатилган энг кам нарх бўйича 704771,6 сўм, тумандаги “Бурқут”, “Мониобод”, “Оққўрғон”, “Ярлақобов”, “Деҳқонобод” ширкат хўжаликларида бажарилган ишлар учун нотўғри нарх қўлланиши натижасида шу хўжаликларнинг 932171 сўм маблағи ғайриқонуний равишда “САР” авиокомпанияси ҳисобига ўтказилган. Шунингдек, тумандаги “Бурқут”, “Халқобод”, Охунбобоев, Ал-Бухорий номидаги хўжаликлар 2000 йил дефоляция мавсумида ҳеч қандай дефолиант олмаган бўлса ҳам, 384 гектар пахта майдони дефоляция қилингани тўғрисида далолатнома тўлдирилиб, “САР” авиокампанияси ҳисобига 1581216 сўм ўтказиб берилади. Ана шу ишлар бажарилганлиги тўғрисидаги барча далолатномаларини хўжаликларнинг маъсул мутахассислари имзо чекиб тасдиқлаган. Шу ҳужжатларга асосан “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” марказининг бош ҳисобчиси Фозилбой Азимов устидан жиноий иши қўзғатилган. Унда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб жуда кўп миқдордаги мулкни талон-тарож қилганлиги тўғрисидаги айб қўйилган.

2000 йил дефоляция мавсумининг бундай тескари якун топишидан хўжалик раҳбарлари ҳам ҳайрон. Агар хўжаликларда контрактация шартномаларига тўғри амал қилинганда улар шу ҳолга тушмаган, “САР” чилар деҳқонлар нонини «туя» қилмаган, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” марказининг бош ҳисобчиси эса суд олдида жавоб бериб ўтирмаган бўларди.

Хўш, “САР” авиокомпанияси туман хўжаликларининг шунча миқдордаги пул маблағини “ғайриқонуний” тарзда олиб кетибди, бундан хўжалик раҳбарларининг хабари йўқмиди? “Халқобод” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Сафар Бойхўрозов дефоляция ишларининг бажарилгани тўғрисидаги далолатномаларга ҳақиқатдан ҳам имзо чекканини тан олган. Хўжалик бош ҳосилоти Расулов Бердиқул дефолионтларни қабул қилиб олган. Дефоляция учун қўйилган нарх эса хўжалик хазинасига қимматга тушган.

Шоди Имомов раислик қилган “Мониобод” ширкат хўжалигида 200 гектар пахта майдони самолёт билан дефоляция қилинган. Далолатномани бош ҳисобчи муҳр босиб тасдиқлаб юборган. Раис дефолацияга ортиқча маблағ ажратилганидан мутлақо хабарсиз эканини тергов идорасига чақирилгунга қадар билмаган. Ярлақобов номидаги ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Аҳмадқул Турдиев эса ортиқча нарх тўланганини тергов пайтидагина хабар топган. Шу тариқа “САР” авиокампанияси билан “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” маркази ўртасидаги шартнома қандай тузилганидан гўё хўжалик раҳбарлари ўзларини бехабар қолгандек кўрсатишди. Н.Азимов номидаги ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Баҳриддин Маҳамедов “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” марказининг бош ҳисобчиси билан биргаликда тузган далолатномада 285082 сўм ёзиб қўйилган.

Бу кўрсатмалардан шундай савол туғилиши табиий: наҳотки, улар ўзлари раҳбарлик қилаётган хўжаликда неча гектар ғўза майдони баргини сунъий тўктирилиши, ҳар гектар майдонга қанча дори сарфланиши ва унга кетадиган сарф-харажатни билмаса? Агар хўжаликка ёрдамга келган ҳар бир ташкилот “САР” авиокампанияси сингари оғзига сиққан пулни талаб қилиб олаверса, оқибати нима бўлади?

Биз хўжалик раҳбарлари берган бу кўрсатмалар қанчалик ҳақиқатга яқинлигини билмаймиз. Лекин ушбу воқеа кўпчиликка сабоқ бўлса, ажабмас. Биринчидан, ўртадаги шартнома ҳуқуқий жиҳатдан саводсизларча тузилган. Қизиғи шундаки, тузилган бу шартномалар фақатгина деҳқоннинг зарарига ишлаган. “САР” авиокампанияси эса бу пулларни аллақачон жиғилдондан ўтказиб бўлган. Ҳаммаси қонуний бўлгандан кейин кимнинг иши бор, дейсиз.

Мамлакатимизда ҳар бир сўмни ҳам қандай сарф қилиш, кўпайтириш йўлида жон куйдираётган хўжалик ва ташкилотлар кўп. Албатта, бундай ташкилотларнинг раҳбари ҳар қанақа сарф-харажатни олдиндан аниқлайди ва бу ташкилот учун қанчалик самара келтиришини обдон ўйлаб кўради. Лекин бунинг акси ҳам бўлиши мумкин экан. Буни собиқ Челак туман “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” марказининг ва “САР” авиокомпанияси ўртасида тузилган шартнома шартларининг қандай бажарилганидан ҳам билиб турибмиз. Собиқ Челак (ҳозирги Пойариқ) туман жиноят ишлари бўйича судининг раиси З.Азимов раислигида ўтган суд муҳокамаси ҳақиқий таҳлил ва тортишувларга бой бўлди. Судда “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” марказининг бош ҳисобчиси Фозилбой Азимовга қўйилган айбларнинг даъво ва далиллари такрор кўздан кечирилди. Унда тақдим этилган далиллардан кўринадики, тумандаги “Бурқут”, “Халқобод”, Охунбобоев, Ал-Бухорий номидаги хўжаликларида жами 384 гектар пахта майдони дефоляция қилингани ҳақида далолатномалар тузилган. Бироқ ушбу хўжаликлар ўтган йил давомида умуман дефолиант олмаган бўлса-да, 384 гектар пахта майдони дефоляция қилинган деб, “САР” авиокампаниясига 1581216 сўм маблағ ғайриқонуний равишда ўтказиб берилган.

Хуллас, шу иш бўйича айбдор бўлган “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” марказининг бош ҳисобчиси Фозилбой Азимов одил суд олдида жавоб берди. Лекин бу ишда биргина Ф.Азимов айбдормикин? Хўжалик раислари ва шу ишга мутасадди бўлган ташкилот раҳбарлари бундан қандай хулоса чиқаришар экан?

**Рўзимурод ТУРСУНОВ,**
**журналист**

